

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

“ПАХТАСАНОАТ ИЛМий МАРКАЗИ” АЖ

МАРДОНОВ ШЕРЗОД РУСТАМОВИЧ

**ПАХТА ТОЗАЛАШ ТАРМОҒИ КОРХОНАЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА
ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.11 – Маркетинг

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертациидоктора философии (PhD) по экономическим
наукам**

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Economic Sciences

Марданов Шерзод Рустамович

Пахта тозалаш тармоғи корхоналарининг ривожланиши бўйича маркетинг
стратегиясини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш 5

Марданов Шерзод Рустамович

Совершенствование механизмов реализации маркетинговой стратегии развития
хлопкоочистительных предприятий 25

Mardonov Sherzod Rustamovich

Improving the mechanisms of implementation of the marketing strategy for the
development of cotton ginning enterprises..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

“ПАХТАСАНОАТ ИЛМий МАРКАЗИ” АЖ

МАРДОНОВ ШЕРЗОД РУСТАМОВИЧ

**ПАХТА ТОЗАЛАШ ТАРМОҒИ КОРХОНАЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА
ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси**
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида**
B2020.2.PhD/Iqt1123 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Пахтасаноат илмий маркази” акциядорлик жамиятида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-
саҳифаси (tdiu@tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Кулиев Тохир Мамаражапович**
Техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Болтабоев Махмуджон Рустамович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Акбаров Нодир Гафурович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

Етакчи ташкилот: **Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий
даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10»
09 кuni соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail:
tdiu@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (1073 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066,
Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871)239-
43-51; e-mail:tdiu@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» 08 кuni таркатилди.
(2021 йил «26» 08 даги 13 рақамли реестр баённомаси).



М.П.Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., доцент

Д.М.Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, и.ф.ф.д.

Ш.Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда табиий тола ва ундан ишлаб чиқариладиган тўқимачилик маҳсулотларига талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. «Тола ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида пахта толаси иккинчи ўринни эгаллайди ва уни ишлаб чиқариш ҳажми 2019 йилда 25,7 млн. тоннани ёки умумий тола ҳажмида 23,2 % ни ташкил этган. Полиэстр толаси ишлаб чиқариш ҳажми эса 55,6 млн. тоннани ёки умумий тола ишлаб чиқариш ҳажмида унинг улуши 50,1 % ни ташкил этган»¹. Бинобарин, табиий толалар ҳажмини янада ошириш эвазига кишиларнинг экологик тоза кийим-кечак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланиш талаб этилмоқда.

Жаҳон пахта толаси бозоридаги етакчи давлатларда сифатли пахта толасини ишлаб чиқариш, унинг истеъмоли ҳамда экспорти ҳажми, истеъмолчилар талабига мослаштиришга асосланган инновацион йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирда пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлов бериш натижасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар турларини ишлаб чиқаришда кластерларни ташкил этиш, маркетинг тадқиқотлари асосида пахта толаси рақобатбардошлигини ошириш, диверсификацияга йўналтирилган ривожланиш бўйича маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга татбиқ этишнинг стратегик воситаларини танлаш йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш устувор аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, пахта хом ашёсини қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат яратадиган тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш орқали жаҳон бозори истеъмолчилари талаблари даражасига олиб чиқиш бўйича амалий йўналишларда ислохотлар бошланган бўлиб, «пахта-тўқимачилик» кластерлари шаклида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш самарали олиб борилмоқда. Иқтисодиёт соҳаларини янада ривожлантиришда «принципал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш ва шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»² устувор йўналиш сифатида белгиланди. Пахтачилик мажмуи фаолиятини самарали ташкил этиш, маркетинг тамойилларидан самарали фойдаланиш, бошқаришни бозор ўзгаришларига мослаштириш асосида узоқ муддатли стратегик мақсадларни ўз ичига олган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, стратегик вазифалар бажарилишини назорат қилишда замонавий таҳлил ҳамда бошқариш усуллардан фойдаланиш, пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш жараёнида харажатларни муқобиллаштириш орқали самарадорликни янада

¹Preferred Fiber Market Report 2020.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // www.lex.uz.

оширишга йўналтирилган ўсиш маркетинг стратегияларидан фойдаланишда муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш йўллари илмий жиҳатдан асослаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон, 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5285-сон, 2018 йил 29 ноябрдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5587-сон фармонлари, 2017 йил 28 ноябрдаги «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3408-сон, 2019 йил 12 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4186-сон, 2019 йил 16 сентябрдаги «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4453-сон, 2020 йил 6 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4633-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 397-сон қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маркетинг концепцияси ва стратегияси масалалари билан хорижлик олимлардан³ И.Л.Акулич, Г.Ассэль, И.Альтшуллер, И.Ансофф, П.Дойль, Ф.Котлер, Ж.Ж.Ламбен, М.Портер ва бошқалар шуғулланган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида саноат корхоналарида маркетинг стратегиясини шакллантириш ва уни амалга ошириш механизмларининг назарий асослари Г.Л.Багиев, В.М.Тарасевич, Х.Анн,

³Акулич И.Л. Маркетинг: учебник / И.Л. Акулич. – Минск: Высш.шк., 2018. – 511 с.; Ассэль Генри. Маркетинг: принципы и стратегии: Учебник для вузов. – М.: ИНФРА-М, 2001; Альтшуллер Игорь. Стратегия и маркетинг: две стороны одной медали, или Просто – о сложном. – М.: Дело, 2010. – 542 с.; Ансофф И. Стратегическое управление / Пер. с англ. – М.: Экономика, 2002. – 416 с.; Дойль Питер. Менеджмент: стратегия и тактика / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2005. – 502 с.; Котлер Ф. Стратегический менеджмент по Котлеру: Лучшие приемы и методы. / Ф. Котлер. - М.: Альпина Паблицер, 2016. - 132 с.; Ламбен Ж. -Ж. Менеджмент, ориентированный на рынок (Пер. с англ. Под ред. В.В. Колчанова). - СПб.: Питер, 2014. – 800 с.; Портер М. Конкуренция / М.Портер; пер. с англ. О.Л.Пелявского [и др.]. – Исправ. изд. – М.: Вильямс, 2005. – 602 с.

А.М.Годин, Е.П.Голубков, Б.А.Соловьев, С.В.Карпова, А.А.Овсянников, А.П.Панкрухинлар⁴ томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда маркетинг тизимини такомиллаштиришнинг умумий жиҳатлари ва тадбиркорлик субъектларининг маркетинг стратегиясини шакллантиришни ўрганиш масалалари маҳаллий олимларимиздан С.С.Ғуломов, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабоев, М.А.Икрамов, М.С.Қосимова, А.Солиев, М.Юсупов, А.А.Фаттахов, Ш.Дж.Эргашходжаева ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган⁵. Ўзбекистонда пахтачилик саноати экспорт салоҳияти маркетинг стратегияси масаласи М.Р.Болтабоев⁶, Ўзбекистон пахта толаси рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг жиҳатлари эса И.К.Шодиметов ва Н.Г.Акбаровлар⁷ томонидан ўрганилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу илмий-тадқиқот ишларида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган пахта толасига чуқур қайта ишлов беришни таъминлайдиган тармоқнинг келгусида ривожланиши бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ МБФ-2-005 рақамли «Мураккаб узлуксиз ишлаб чиқариш-технологик тизимларини бошқариш жараёнларини алгоритмлашни услубий асосларини ишлаб чиқиш (пахтага дастлабки ишлов бериш жараёнлари мисолида)» мавзусидаги фундаментал лойиҳа ва ОТ-Атех-2018-207 рақамли «Пахта хом ашёсини қуритиш учун иссиқлик ишлаб чиқариш жарёнининг энергияресурстежамкор автоматлаштирилган бошқарув тизимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳадоирасида бажарилган.

⁴Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг: Учебник для вузов. -4-у изд. – СПб.: Питер, 2008. -733 с.; Годин А.М. Маркетинг: Учебник для студентов вузов. – М.: Дашков и К^о, 2009. – 651 с.; Голубков Е.П. Теория и методология маркетинга: настоящее и будущее. – М.: Дело и Сервис, 2008. – 207 с.; Маркетинг: Учебник / Соловьев Б.А. – М.: Инфра -М, 2016. – 754 с.; Маркетинг: теория и практика: учеб пособие для бакалавров / под. общ. ред. С.В.Карповой. – Москва: Издательство Юрайт, 2019. – 408 с.; Овсянников А.А. Современный маркетинг. В 2-х частях. Часть 1 :учебник и практикум для вузов / А.А.Овсянников. – Москва: Издательство Юрайт, 2020. – 376 с.; Панкрухин А.П. Маркетинг: Учебник. – М.: Омега-Л, 2009. – 654 с.

⁵Ғуломов С.С. Маркетинг асослари. – Т.: Шарқ, 2002. – 254 б., Soliyev A. Marketing. Bozorshunoslik. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010; Бекмуродов А.Ш., Янг Сонг Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Ташкент: ТГЭУ. 2006. – 112 с.; Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223 б.; Икрамов М.А., Салимов С.А. Международный маркетинг: учеб. Пособие для ВУЗов. – Т.: Изд-во Нац. Библ. Узбекистана им. А. Навои, 2010. – 276 с.; Фаттахов А.А. Улгуржи савдода маркетинг стратегияси ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари: икт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. Т., 2006. – 250 б., Ergashxodjaeva Sh.Dj., Qosimova M.S., Yusupov M.A. Marketing. Darslik. – Т., 2019. – 361 б., Ergashxo'jaeva Sh.J. Strategik marketing: Darslik. – Т.: O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati, 2019. – 232 б.

⁶Болтабоев М.Р. Пахта толаси экспортида маркетинг самарадорлиги (Ўзбекистон Республикаси мисолида): и.ф.н. ... диссертацияси. – Т.:ТДИУ, 1999. – 164 б.

⁷Шодиметов И.К. Жаҳон бозорида Ўзбекистон пахта толаси рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг жиҳатлари: и.ф.н. ... диссертацияси. – Т.:ТДИУ, 2004. – 168 б.; Акбаров Н.Г. Пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналари рақобат маркетинг стратегиясини шакллантириш и.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси. – Т.:ТДИУ, 2018. – 170 б.

Тадқиқотнинг мақсади пахта тозалаш тармоғи корхоналари ривожланиши бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари стратегик маркетинг восита ва усулларини ўрганиш орқали уни пахта тозалаш саноати амалиётига жорий этишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш;

саноат корхонаси стратегик ривожини маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг назарий асосларини ўрганиш;

саноат ишлаб чиқаришни иқтисодий ривожлантиришнинг маркетинг концепциялари моҳиятини очиқ бериш;

пахтачилик мажмуаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини ўрганиш;

пахта толаси ва пахта тозалаш корхоналари рақобатбардошлигини таҳлил қилиш;

пахта тозалаш корхоналари хусусиятларини инобатга олган ҳолда маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш;

пахта тозалаш корхонаси ривожланиши бўйича стратегиясини амалга ошириш тизимли-интеграцион концепциясини ишлаб чиқиш;

пахта тозалаш корхонаси ривожланиши бўйича маркетинг стратегиясини амалга оширишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

пахта тозалаш корхоналари ривожланиши бўйича маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси таркибига кирувчи пахта тозалаш корхоналарининг ишлаб чиқариш ва маркетинг фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб пахта тозалаш корхоналарини ривожлантириш маркетинг стратегиясини шакллантириш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кабинет ва дала тадқиқот усуллари, танланма кузатув, график талқин, эксперт баҳоси, портфель таҳлили, стратегик режалаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта тозалаш корхонасининг яқин келажакдаги стратегик вазифалари - маҳсулот сифатини, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини, рентабеллик ва корхона қийматининг ўсиш даражасини оширишдан келиб чиққан ҳолда пахта тозалаш корхонаси маркетинг стратегияси самарадорлигини беш босқичли балл тизими (0 - 0,30; 0,31- 50; 0,51 - 70; 0,71 - 0,85; 0,86 - 1) асосида баҳолаш таклиф этилган;

пахта тозалаш корхоналари ўсиш стратегиясини амалга ошириш самарадорлигини таъминлашда мақсадли дастурнинг энг мақбул вариантини баланслаштириш орқали корхона қийматини оширишасосланган;

пахтачилик маҳсулотлари бозорининг муайян улушини таъминлаш учун зарур бўлган савдо ҳажмини ошириш стратегик мақсадига эришиш учун

пахта тозалаш корхонаси учта соҳада фокуслаштирилган ўсиш маркетинг стратегиясини амалга ошириши лозимлиги исботланган;

пахта тозалаш корхонасининг замонавий ҳолати ва истиқбол моделидан келиб чиққан ҳолда маркетинг ва бошқарув стратегияси самарадорлигини баҳолашни “пахта тозалаш ишлаб чиқариш субъектининг мақсадли прогноз кўрсаткичларига эришиш” ёндашуви асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пахта тозалаш корхонасининг ўсиш стратегиясини амалга оширишни тизимли-интеграциялашган бошқаришнинг концепцияси ишлаб чиқилган;

пахта тозалаш корхонаси келгусида ўсиш стратегиясининг бошланғич, ўртача, эришиш мумкин каби вариантлар бўйича моделлар яратилган;

«7S» модели асосида пахта тозалаш корхоналари ўсиш стратегиясини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган;

пахта тозалаш корхонасининг бошқарув тизимида ўсиш стратегиясини амалга оширишнинг иқтисодий механизмини амалга оширишнинг услубий қоидалари ишлаб чиқилган.

саноат корхоналари ўсиш стратегиясининг самарадорлигини баҳолаш услуби таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, уларнинг расмий нашриётлар томонидан – таниқли хорижий ва Ўзбекистон олимлари тадқиқотлари натижалари бўйича чоп этилган манбаларни ўрганиш ва таҳлили, давлат статистика қўмитаси, корхоналар бухгалтерия ва статистик ҳисоботларидан фойдаланилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган пахта тозалаш корхоналарида фундаментал қийматга эътибор, иқтисодий ўсиш, инвестицион салоҳият ва корхонанинг қиймати ўртасидаги муносабатларни аниқлаш ҳамда расмийлаштириш, ўсиш стратегиясини амалга оширишга муайян саноат хусусиятларини белгилайдиган пахта тозалаш хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган тизимли-интеграциялашган ёндашув, бизнес-жараёнлари реинжиниринги, ходимларни рағбатлантириш ва ўқитиш, мувозанатли КРІ, стратегик бюджет, нархлаш тизимларини ўзаро уйғунлаштириш асосида пахта тозалаш корхонаси ривожланиши бўйича маркетинг стратегиясини амалга оширишнинг самарадорлигини таъминлаш имкониятларини излаб топиш, ўсиш маркетинг стратегияларини танлаш ва натижадорлигини баҳолаш ҳамда назорат қилиш тартиби, маркетинг стратегиясини амалга оширишнинг «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар, саноат корхоналари ўсиш стратегиясининг самарадорлигини баҳолаш услуби республикада пахтачилик мажмуаси корхоналарида келгусида ўсиш маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга яқиндан ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унинг назарий ва амалий қоидаларини ҳисобга олган ҳолдасаноат корхоналарининг мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланиш ва уни янада яхшилаш билан биргаликда ишлаб чиқаришни диверсификациялашни амалга ошириш орқали янги турдаги ишлаб чиқариш фаолиятларини йўлга қўйиш орқали ўз даромадларни ошириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда янги бозор ҳудудларини эгаллашда вариантларни танлашга имконият яратади. Шу билан бирга, тадқиқот натижалари олий таълим тизимида «Маркетинг асослари», «Маркетинг тадқиқотлари», «Стратегик маркетинг» каби фанларни ўқитиш жараёнида ва дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта тозалаш тармоғи корхоналарининг ривожланиши бўйича маркетинг стратегиясини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта тозалаш корхонасининг яқин келажакдаги стратегик вазифалари - маҳсулот сифатини, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини, рентабеллик ва корхона қийматининг ўсиш даражасини оширишдан келиб чиққан ҳолда пахта тозалаш корхонаси маркетинг стратегияси самарадорлигини беш босқичли балл тизими (0 - 0,30; 0,31- 50; 0,51 - 70; 0,71 - 0,85; 0,86 - 1) асосида баҳолаш бўйича таклифи «Ўзпахтасаноат» АЖ корхоналари маркетинг бошқарув амалиётига жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 26 ноябрдаги 03-08/2674-сонли маълумотномаси). Натижада маркетинг стратегиясини самарали амалга оширишда сотишдан олинган ялпи фойданинг таққослама нархлардаги ўсиш суръати 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 14,6 % ни ташкил этган;

пахта тозалаш корхоналари ўсиш стратегиясини амалга ошириш самарадорлигини таъминлашда мақсадли дастурнинг энг мақбул вариантини баланслаштириш орқали корхона қийматини ошириш бўйича таклифлар «Ўзпахтасаноат» АЖ корхоналари бошқарув фаолиятига жорий этилган. («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 26 ноябрдаги 03-08/2674-сонли маълумотномаси). Пахта тозалаш корхоналарида муайян sanoat хусусиятларини белгилайдиган жиҳатларини тизимли-интеграциялашган ёндашув ҳолда стратегияни амалга ошириш натижасида бошқарув харажатлари 12 % га камайган;

пахтачилик маҳсулотлари бозорининг муайян улушини таъминлаш учун зарур бўлган савдо ҳажмини ошириш стратегик мақсадига эришиш учун пахта тозалаш корхонаси учта соҳада фокуслаштирилган ўсиш маркетинг стратегиясини амалга ошириш дастури бўйича таклифлар «Ўзпахтасаноат» АЖ корхоналари маркетинг фаолиятини бошқариш амалиётига жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 26 ноябрдаги 03-08/2674-сонли маълумотномаси). Пахта тозалаш корхоналарида молиявий кўрсаткичлардан ташқари номолиявий кўрсаткичларни тизимлаштириш орқали асосланган таклифларни қўллашда маркетинг бошқаруви харажатлари 14 % га камайган;

пахта тозалаш корхонасининг замонавий ҳолати ва истиқбол моделидан келиб чиққан ҳолда маркетинг ва бошқарув стратегияси самарадорлигини баҳолашни “пахта тозалаш ишлаб чиқариш субъектининг мақсадли прогноз кўрсаткичларига эришиш” ёндашуви асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифи «Ўзпахтасаноат» АЖ корхоналари маркетинг фаолиятини бошқариш амалиётига жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 26 ноябрдаги 03-08/2674-сонли маълумотномаси). Натижада сотишдан тушган ялпи даромаднинг таққослама нархлардаги ўсиш суръати 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 12,35 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 144 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланиши бўйича унинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Маркетинг стратегияси ва уни амалга оширишнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобидастратегик маркетинг восита ва усуллари ўрганиш орқали уни пахта тозалаш саноати амалиётига жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган, саноат корхонаси стратегик ривожини маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг назарий асослари ўрганилган, ўсиш стратегиялари, саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий ривожлантиришнинг маркетинг концепциялари моҳияти очиб берилган.

Бизнинг фикримизча, стратегияни амалиётга татбиқ этиш биринчидан, пахта тозалаш корхонасининг ташқи ва ички муҳитлари ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда тузиладиган мукамал стратегияга, иккинчидан, стратегияни амалга ошириш механизмларининг такомиллашганлигига, хусусан, стратегияни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган восита, дастак, усул,

матрицаларнинг замонавийлигига, учинчидан, уни амалга оширишда иштирок этувчиларнинг билим ҳамда малака даражасига боғлиқ бўлади.

Умумий ҳолда стратегиянинг икки турини ажратиш лозим – умумий стратегиялар ва хусусий стратегиялар. Стратегик матрицалар ўртасида кенг тарқалгани портфел матрицалари саналади. Тадқиқот жараёнида пахта тозалаш саноати корхоналарининг келгусидаги ривожланиши бўйича маркетинг стратегиялари стратегик таҳлили амалга оширилган.

Диверсификацияланган компания фаолияти турлари сифатини баҳолашнинг энг кенг тарқалган усулларида бири унинг хўжалик портфелини матрицали таҳлил қилиш ҳисобланади. Хўжалик портфели матрицаси диверсификацияланган компаниянинг ҳар бир таркибий бирлигининг стратегик мавқелари таққосланган жадвал кўринишида бўлади. Матрица, стратегик таҳлил мавқеларни тавсифловчи ҳар қандай иккита кўрсаткич асосида тузилиши мумкин. Энг аҳамиятли кўрсаткичлар бўлиб тармоқнинг ўсиш суръатлари, бозор улуши, тармоқнинг узоқ муддатли жозибадорлиги, рақобатбардошлик ва у ёки бу маҳсулот ҳамда бозорнинг ривожланиши ҳисобланади. Одатда, матрицанинг бир чизиғи тармоқнинг жозибадорлигини кўрсатса, бошқаси ундаги аниқ фаолият турларининг аҳволини кўрсатади.


Диссертацияда амалиётда энг кўп қўлланиладиган хўжалик портфелининг «Бозор улуши – бозор ўсиши», «Бозор жалб этувчанлиги – рақобат устунлиги», «Тармоқ кўркамлиги ва рақобат устунлиги», тармоқнинг ҳаётий цикли матрицалари моҳиятлари назарий жиҳатдан очиқ берилган.

Ҳозирда маркетинг стратегияси, уни шакллантириш масалалари кенг миқёсда тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлсада, айрим тармоқлар, хусусан пахтачилик мажмуи тармоқларда уни тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш масалалари, айниқса, ривожланиш бўйича маркетинг стратегиясини амалиётга татбиқ этиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда юқори сифатли бўлган пахта ва пахтачилик маҳсулотларини экспорт учун ишлаб чиқаришнинг ривожланиши бўйича қонуниятлари ташқи кучлар векторининг ўзгаришига (рақобатчиларнинг пайдо бўлиши, жаҳон бозорида пахта толаси нархининг ўзгариб туриши ва ҳоказолар) ҳамда миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг сиёсий ва ижтимоий шарт-шароитларига (республика экспорти таркибининг ишлаб чиқаришга йўналтирилганликдан чуқур қайта ишланган товарларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ўзгариши, қўшилган қиймат орттирмасининг ўсиши) умумий таъсир этишидан иборатдир. Шундай қилиб, бизнингча, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда маркетинг стратегиясининг муқобил мавқеи асосан иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий омилларнинг туб ўзгаришлари билан белгиланади, деган қоидадан келиб чиқиши керак.

Иккинчидан, маркетингнинг стратегик режалаштиришдаги вазифаси белгиланган мавқеларини эгаллашга имкон берувчи стратегияларни ривожлантиришдан иборатдир. У компаниянинг шундай мавқеини эгаллаш

стратегияларини қабул қилган рақобатчилардан устунликка эришишга интилиши билан чамбарчас боғлиқдир (1-расм).



1-расм. Келгуси мавқеига эришиш стратегияси⁸

Учинчидан, маркетинг корхонанинг муваффақиятга эришиши учун бозорга мослашишнинг аҳамиятини намоиш этиш йўли билан стратегик таклифларни илгари суришда фаол ролни ўйнаши лозим.

Питер Лоранж ўз тадқиқотларида уч босқичли стратегик бошқарув моделини ишлаб чиққан бўлиб, унинг фикрича стратегиялар тушунчаси «ўзидаги буюм» эмас, балки унинг корхонада ўз ўрнига эга бўлган уч турини фарқлайди⁹:

- корпоратив стратегия;
- бизнес стратегия;
- вазифавий стратегия.

Шуни таъкидлаш жоизки, стратегияни ифода қилишнинг бу каби уч босқичга ажратиб таҳлил қилишни биринчи бўлиб Чарлз В.Хоффер ҳамда Ден Шенделлар таклиф қилган¹⁰.

Корхонани бир бутунлик сифатида кўрсатувчи стратегия мавжуд бўлиб, бу корпоратив стратегия деб аталади.

⁸Эмпирик тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

⁹Хруцкий В.Е., Корнеева И. В. Современный маркетинг: Настольная книга по исследованию рынка: учеб. пособие. -3-е изд., перераб. и доп. М.: Финансы и статистика, 2018. - 560 с.

¹⁰Hoffer C.W. and Shendel D. Strategy Formulation: Analytical Concepts. St. Paul, MN: West Publishing Company, 1978.

Одатда, амалиётда биргина фаолият тури билан шуғулланувчи корхоналар кам учрайди. Ҳар бир корхона аслида унга даромад келтирувчи бир қанча фаолият турлари билан шуғулланадилар, яъни бизнес портфелига эга бўладилар. Бизнеснинг ҳар тури учун маълум бизнес стратегияси белгиланади.

Ниҳоят, корхона маркетинг, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, молия, инвестиция ва кадрлар борасида маълум стратегияга эга бўлиши керак. Булар вазифавий стратегиялар деб номланади.

Стратегиялар иерархиясининг барча поғоналаридаги стратегия турлари бир-бири билан боғлиқлиги ва мос келиши корхона фаолиятининг ривожланиши бўйича стратегияларнинг самара беришини таъминлайди.

Пахтачилик мажмуаси корхоналарининг корпоратив стратегияси даражасидаги асосий стратегик мақсад ва вазифалар қуйидагилар ҳисобланади:

пахта тозалаш саноатини янада ривожлантириш;

пахта тозалаш корхоналарининг экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш.

Пахтачилик мажмуаси корхоналарининг бизнес стратегияси даражасидаги асосий стратегик мақсад ва вазифалар қуйидагилар ҳисобланади:

хом ашё экспортини чуқур қайта ишлашни амалга ошириш орқали тайёр буюмлар экспорти билан алмаштириш;

ҳалқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимини жорий этиш учун керакли сертификатларга эга бўлиш;

янги бозор сегментларини излаб топиш ва уларга чиқишда қулай транспорт ва коммуникация тизимини ташкил этиш.

Пахтачилик мажмуаси корхоналарининг маркетинг стратегияси даражасидаги асосий стратегик мақсад ва вазифалар қуйидагилар ҳисобланади:

пахтачилик маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш;

пахтачилик маҳсулотларига бўлган истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш;

пахтачилик маҳсулотларининг мақсадли бозорлардаги мавқеи ва улушларини ошириш.

Ташқи ва ички омилларни таҳлил қилиш ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини, нисбий рақобатли устунлик ва умумлашма мақсадни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Стратегик қарорлар стратегия ва унинг мақсадларини танлаш йўли қабул қилинади.

Маълумки, бошқариладиган бозор иқтисодиётини ривожлантириш миллий иқтисодиётни макромикёсида бошқариш, яъни айрим тармоқлар ва тармоқ мажмуаларини бошқариш ҳамда корхона миқёсида (микромикёсида) бошқаришга бўлинади. Бошқариш соҳаларининг янада тақсимланиши бозорни корхонадаги хўжалик муҳитини белгиловчи омилга айлантиради, бозорда рақобатлаша олиш қобилияти эса уларнинг асосий фаолият тамойилига айланади.

Ўзбекистон Республикаси пахта тозалаш корхоналарида маркетинг стратегиясини шакллантириш зарурати, бизнингча, корхоналар ва тармоқдаги бошқа ташкилотлар фаолиятининг ташқи муҳитидаги туб ўзгаришларнинг янги босқичи, хўжалик юритиш тизимининг янада эркинлаштирилиши, ташқи иқтисодий фаолиятнинг фаол ривожланиши билан боғлиқдир.

Диссертациянинг «**Пахта тозалаш саноатиривожланиши ва маркетинг фаолияти таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида пахтачилик мажмуаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини ўрганиш, пахта толаси ва пахта тозалаш корхоналари рақобатбардошлигини таҳлил қилиш, пахта тозалаш корхоналари хусусиятларини инобатга олган ҳолда маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш амалга оширилган.

Марказий Осиё минтақасининг марказида жойлашган Ўзбекистон Республикасида қулай иқлим шароитининг мавжудлиги пахта мажмуасини ташкил этиш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда пахта мажмуаси республикамизда фаолият кўрсатаётган тўқимачилик, ёғ-мой, озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари иқтисодиётининг бошқа соҳалари муваффақиятли фаолият юритиши учун асосий база бўлиб хизмат қилади.

2016-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида пахта хом-ашёси етиштириш ва тола ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, пахта хом ашёсини етиштиришга ажратилган майдонлар ўзгаришсиз бўлиб, 1400 минг гектар атрофида бўлган. Ўрганилаётган даврда интенсив омил саналган ҳосилдорлик даражаси ўзгариб туриши кузатилади ва энг юқори натижага 2019 йилда эришилган ва 26 ц/га ни ташкил этган бўлса, энг юқори ҳосил эса 2016 йилда олинди, 3085,044 минг тоннани ташкил этган. Асосий кўрсаткичларидан бири саналган тола чиқиши кўрсаткичи ўзгаришида ҳам бир хиллик кузатилади ва энг юқори тола чиқишига 2019 йилда эришилиб, унинг даражаси 34,5 %ни ташкил этган. Ҳосилдорликни гектарига 1 центнерга ошириш қўшимча 15 минг тонна хом-ашё етиштириш имконини беради.

Бу кўрсаткичларга жиддий эътибор бериш лозим. Пахта ва ундан олинадиган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан шуғулланадиган раҳбар ва мутахассислар пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотига бўлган жаҳон бозорининг талаблари ва ўзига хос хусусиятларини ўзлаштиришлари, доимо конъюнктура вазиятлари ва нархлари даражасидан ўз вақтида хабардор бўлишлари, пахта маҳсулотига бўлган эҳтиёжнинг кутилиши мумкин бўлган пасайишларига тайёр туришлари, бу жараёнларни тўғри кўра олишлари ва ишлаб чиқаришни рақобатлаштириш йўллари излаб топишлари зарур.

Бизнинг фикримизча, келгусида пахта тозалаш саноатини стратегик ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири тармоқ ишлаб чиқаришини диверсификациялаш асосида пахта толасига чуқур ишлов

беришни амалга оширадиган «пахта-тўқимачилик» кластерларини ташкил этиш саналади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида пахта хом-ашёси етиштириш ва тола ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари¹¹

Кўрсаткичлар номи	Бирлик	Йиллар			
		2016	2017	2018	2019
Чигит экиладиган майдон	Минг гектар	1301,7	1206,0	1170,0	1033,0
Ялпи ҳосил	минг тонна	3085,044	2900,175	2293,039	2691,698
Ўртача ҳосилдорлик	ц/га	23,7	24,0	19,6	26,0
Пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажми	минг тонна	1052	994,7	784,2	928,6
Ўртача тола чиқиши	%	34,1	34,3	34,2	34,5

Маълумки, саноат корхоналари истиқболда ривожланиши бўйича иннинг маркетинг стратегиясини шакллантиришда улар ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳамда корхона рақобатбардошлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, диссертацияда пахта толаси ва пахта тозалаш корхонаси рақобатбардошлиги мавжуд ишлаб чиқилган усуллар ёрдамида баҳоланди. Пахта толаси рақобатбардошлигини баҳолаш қуйидаги босқичларда амалга оширилди: бозорни таҳлил қилиш ва солиштирма тарзида фойдаланиш учун энг рақобатбардош намуна – товарни танлаш; иккала товарда қиёсландиган томонлар мажмуини белгилаш; нисбий рақобатбардошликнинг интеграл кўрсаткичи ҳисоблаб чиқиш орқали пахта толаси рақобатбардошлигини баҳолаш. Тадқиқот жараёнида республикамизда фаолият олиб борган «Ўзбекистон», «Боёвут» ва «Шеробод» пахта тозалаш корхоналари рақобатбардошлиги баҳоланди. Ушбу пахта тозалаш корхоналари рақобатбардошлигини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, улар ўртасида энг рақобатбардош корхона – бу «Ўзбекистон» пахта тозалаш корхонаси саналади. Чунки, ушбу пахта тозалаш корхонасида Хитой Халқ Республикасидан келтирилган янги юқори самарали дастгоҳлар ўрнатилган. «Боёвут» ва «Шеробод» пахта тозалаш корхоналарининг рақобатбардошлиги нисбатан паст даражада бўлиб, 0,442 - 0,683 оралиқни ташкил этган. Айниқса, ушбу пахта тозалаш корхоналарида ички ресурслар (стратегик салоҳият)дан фойдаланишда фойдаланилмаётган захиралар юқоридир.

Маркетинг стратегиясини амалга ошириш самарадорлигини оширишда корхона маркетинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ҳам муҳимдир. Маркетинг самарадорлигини баҳолашда бир қанча усуллар қўлланилади. Маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг социологик усуллари амалий социология воситаларидан фойдаланишга қаратилади. Маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг балл усули маркетинг концепцияси таркибий тузилмаси ва жараёнларини тавсифлайдиган мезонларга мос равишда баллар

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

қўйиш ҳамда ҳар бир тадбир бўйича самарани «аъзоларга» ажратишга таянади. Диссертацияда пахта тозалаш тармоғи корхоналари маркетинг фаолияти самарадорлиги экспертлар баҳоси усули ёрдамида баҳоланган. Пахта тозалаш корхонасида ташкилий таркибнинг маркетинг концепциясига мослиги ҳамда маркетинг фаолиятининг бозор ўзгаришларига мосланувчан тарзда ташкил этилиши даражаси «ўрта» даражада баҳоланади, яъни максимал баллнинг 40,7 %ини ташкил этган. Бундай ҳолатнинг бўлишлигига асосий сабаб акциядорлик жамияти ва унинг таркибига кирувчи пахта тозалаш акциядорлик жамиятлари бошқарув таркибий тузилмасида тегишли маркетинг бўлимлари ва хизматларининг ташкил этилмаганлиги ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Пахта тозалаш саноати ривожланиши бўйича маркетинг стратегиясини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими ҳамда қиймат бошқаруви концепциялари асосида пахта тозалаш корхоналар ўсиш стратегиясини амалга оширишнинг тизимли-интеграциялашган концепцияси асосланган, пахта тозалаш корхонаси ривожланиши бўйича маркетинг стратегиясини амалга оширишнинг механизмларини танлаш ва улар самарадорлигини ошириш усулини, тадбирлар индикатив ҳисоблаш усулини қўллаш, ўсиш вариантларини асослаш натижасида пахта тозалаш корхоналари ривожланиши бўйича маркетинг стратегиясини амалга оширишнинг бошқарув тизими механизмлари, пахта тозалаш корхонаси ривожланиши бўйича маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш масалалари ўрганилган, пахта тозалаш корхоналари ривожланиши бўйича маркетинг стратегиясини амалга ошириш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётга оид адабиётларда пахта тозалаш тармоғи фаолиятини ташкил этиш учун у ёки бу бошқарув концепцияларини қўллаш зарурлигини асослаш ҳақидаги тадқиқот натижалари етарлича баён этилмаган. Пахта тозалаш корхонасининг ўсиш стратегиясини амалга ошириш самарадорлиги ва натижадорлигига таъсир этувчи барча муҳим омилларни ҳисобга оладиган услубий қоидалар етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Бизни юқоридаги ҳолатларнинг барчасида аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун мўлжалланган пахта тозалаш корхонасининг ўсиш стратегиясини амалга оширишни бошқаришда сифат жиҳатидан янги концептуал ва услубий ёндашувни яратиш зарурлигига олиб келди.

Янги концепциянинг асосини жаҳон билим тизимида эътироф этилган замонавий стратегик бошқарув назариясида ҳукмрон бўлган қийматни бошқариш концепцияси ва баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими ташкил этади. Бизнинг фикримизча, пахта тозалаш корхонасининг ўсиш стратегиясини амалга ошириш учун иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш учун ишлатилиши мумкин бўлган замонавий ёндашувларни амалга оширишга ушбу иккита танланган бошқарув воситаси тўлиқ имкон беради.

Пахта тозалаш корхонасининг ўсиш стратегиясини амалга оширишни тизимли-интеграциялашган бошқаришнинг биз томондан таклиф этиладиган концепцияси унинг икки асосий хусусияти: тизимлилик ва интеграциялашувини намоён этади.

Интеграция, биринчи навбатда, иккита асосий тушунчанинг назарий ва методологик қоидаларини: қийматни бошқариш концепцияси (VBM) ва баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (BSC)ни мустаҳкамлашни ўз ичига олади. VBM концепцияси ўсиш стратегиясини амалга ошириш жараёнини таъминловчи - корхона қийматини ошириш ва бошқарув қарорларининг устувор мезонини белгилайди - корхона харажатларини ошириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ва асосий ўсиш воситаларини аниқлаш учун асос яратади.

